

Инновацион ҳамкорлик самараси

Ҳозирги кунда Республикамизда қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш бўйича бир қанча ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Германия Федератив Республикасининг Таълим ва фан вазирлиги (BMBF) томонидан молиялаштирилган “BioWat: Иқлим ўзгаришига мослашиш мақсадида Марказий Осиёнинг шўрланган ва қурғоқчил ҳудудларида ресурсларни бошқариш (Resources management in the salinized and drought stress-endangered irrigation areas of Central Asia for adapting to climate change)” илмий лойиҳаси доирасида Германиянинг Leybnits agrolandshaft илмий тадқиқот маркази (ZALF) ва Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ўртасида ҳамкорлик ишлари яхши йўлга қўйилган. Ушбу лойиҳанинг амалий тадқиқотларини рўёбга чиқариш мақсадида бугунги кунда “ZALF” илмий тадқиқот маркази ҳамда “Ирригация ва мелиорация” кафедраси олимлари биргаликда самарали фаолият олиб бормоқдалар. Лойиҳа доирасида ўқув ва илмий тадқиқот ишлари жараёнида фойдаланиш учун мўлжалланган, умумий қиймати 10 000 Euro бўлган лаборатория жиҳозлари “Ирригация ва мелиорация” кафедрасига келтирилиб, институтнинг лаборатория базаси янада бойитилди.

Ушбу келтирилган жиҳозлар ёрдамида ер ости сув сатҳини электрон ўлчаш, сувнинг pH қийматини ҳамда дала шароитида тупроқнинг намлигини, шўрланишини, температурасини ва сув ўтказувчанлигини аниқлаш шунингдек, аниқланган маълумотларни замонавий смартфон телефонлари ва компьютерларга узатиш имконияти пайдо бўлди. Бу эса талабаларни билим ва кўникмаларини амалиётда қўллаб кўриш, докторантларни замонавий илмий тадқиқот ишларини ўтказишга имконият яратди.



Бу каби ҳамкорлик алоқаларини келажакда янада ривожлантириш мақсадида институт профессор-ўқитувчилари янги изланишлар олиб бормоқдалар.

“Ирригация ва мелиорация” кафедраси мудирини доцент Б.У.Суванов